



НОКИМИ

ҲОКИМИ

ҚАРОР

2000_yil "27" июнь

№ 156-Қ

**Оқдарё туманида Рудакий номли
асаларичилик хўжалигига ер майдо-
ни ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5 ва 23 моддаларига, ҳамда вилоят ҳокимининг 1999 йил 22 ноябрдаги "Вилоятда асаларичиликни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида" ги 293-қ рақамли қарорига асосан Оқдарё тумани ҳокимининг 1999 йил 13 декабрдаги қабул қилган 303-қ рақамли қарорини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Оқдарё туманида асаларичиликни ривожлантириш мақсадида А.Рудакий номли асаларичилик хўжалигига жами 40,0 гектар, шундан боғзорлар 33,5 гектар, ариқлар 1,60 гектар, йўллар 2,20 гектар, қўрилишлар 0,50 гектар кишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган 2,20 гектар ер майдонларини "Даҳбед" деҳқон хўжаликлари уюшмаси ерларидан ажратиш тўғрисида Оқдарё тумани ҳокимининг 1999 йил 13 декабрда қабул қилган 303-қ рақамли "Туманда асаларичиликни ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида" ги қарори тасдиқлансин.

2. Вилоят ер ресурслари бошқармаси (Ш.Ахмедов)га хўжаликларнинг ер тўғрисидаги ҳисоботларига ўзгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини таъминлаш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Бердимуродовга юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Рузиев